

ТЕРМИН, ТЕРМИНОЛОГИЯ ВА ТЕРМИНОГРАФИЯ ТИЛШУНОСЛАР ТАЛҚИНИДА

Бобоқулова Гуллола

Қарши давлат университети 2-босқич магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7828477>

Ҳар бир соҳада, ҳар бир касб - хунарда илмий билишнинг қудратли воситаси бўлган тил туради. Унинг турли туман воситалардан фикр ҳосил қилиш, қайд этиш, узатиш масаласи турар экан, олимларнинг тилнинг турли мақсадларда қўлланишини ўрганишга эътибори, асосан, ана шу ҳолатлар билан берилади.

Илмий тадқиқот ва мунозараларда “махсус мақсадларда қўлланиладиган тил” термини кўп қўлланилади. Илмий ва дидактик манбаларда термин билан биргаликда “касб - хунар лексикаси” атамаси ҳам ишлатилади.

Лексикографик мақсадларда фойдаланилган тил ўзининг муайян тафсилотлари билан ажралиб туради. Чунки унинг асосини айнан шу тил ва унинг серқирра воситалари ташкил этади.

Терминология ва терминографияда қўлга киритилган ютуқ ва натижаларга қарамасдан улар билан боғлиқ кўплаб муаммолар ҳамон ўз ечимини кутмоқда ана шундай муаммолардан бири ва ўз ечимини кутаётган терминнинг таърифидир.

Аксарият рус ва ўзбек тилларида чоп этилган ишларда термин муайян соҳага, оид сўз ва тушунча тарзида таърифланади. Бу эса, маълумки, сўз билан терминни, термин билан сўз бирикмасини бир нарса шаклида талқин қилиш учун имконият ясайди ва проф. В. Г. Гакнинг асосли эътироф этишича, бу таъриф тўғри эмас. У ўзининг 1971-йилда чоп этилган “Ассиметрия лингвистического знака и некоторые общие проблемы терминологии” номли мақоласида терминнинг янгича таърифи берилади ва унинг тил луғавий тизимидаги ўрни аниқланади. У илмий адабиётларда терминнинг, кўпинча, луғавий бирликларнинг махсус турлари сифатида талқин қилинаётганлигига эътироз билдириб, “термин есть функция, вид употребления лексической единицы” - деб ёзади. (Семиотические проблемы языков науки) Материалы научного симпозиума. Изд-ва МГУ, 1971, с 68-71. (“Термин— бу функция, луғавий бирлик қўлланилишининг ўзига хос тури”) деб ёзади ва бу фикр, бизнингча ҳам жуда тўғри. Акс ҳолда, терминни сўздан, сўзни терминдан узил кесил фарқлашнинг ҳеч қандай иложи йўқ.

В. Г. Гакнинг ёзишича қуйидаги икки ҳусусиятга эга бўлган ҳар қандай луғавий бирлик термин бўла олади: 1) объектив борлиқдаги бирор нарсани ифодалай олиши 2) тушунчалар қаторидан муайян жой эгаллаши. [Қаранг: Бушуй А. М. , Золототрубова Н. А. , Мирзаев И. К. ва бошқалар 1986,23]. Демак, бирор нарса ҳодисани ифодалай оладиган ва тушунчалар сирасидан ўзига хос ўрин эгаллайдиган ҳар қандай луғавий бирликни термин сифатида ишлатиш мумкин.

Сўз билан термини фарқлашнинг яна бир муҳим белгиси —сўзнинг нарса, ҳодиса, предметни, терминнинг эса тушунчани ифодалашидир.

Тушунча эса, нарса ва ҳодисанинг умумлашма мавҳум номи бу ҳолатни ҳисобга олиш жуда муҳим.

Терминлар мажмуи терминология дейилади. У ҳар бир соҳага доир касбий билимларни ифодаловчи тушунчалар асосида шаклланади. Бинобарин, айтиш мумкинки, терминология у ёки бу соҳага доир терминлар тизимини шакллантиради.

Чунки терминология ва терминлар илмий, илмий назария, қонун, қоида, тамойил кабиларни илмий нуқтаи назардан асослаш қуролидир. Бошқача айтганда «термины, являются инструментом, с помощью которого формируются научные теории, законы, принципы, положения» то есть «в терминах отражается социально обязательный характер» [А. А. Реформатский 1968]

Терминология ва терминотизим тушунчаларни ўзаро фарқлаш керак. Терминология — бу фан ва техниканинг муайян соҳаси терминлар мажмуи у табиий равишда шаклланади. Терминотизим эса терминлар орасидаги муносабатни қайд этадиган, қайд этувчи тартибга солинган терминологиядир.

Терминотизим, яъни муайян тартибга солинган терминлар тизими мутахасисларнинг ўзаро бир бирини тушуниш ва мулоқот қилишларида, мутахасислар тайёрлашда, илмий асарларни чоп этишда, халқаро ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда, ахборот олиш, қайд этиш ва узатишда алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқот, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнлари компьютерлашган бизнинг давримизда терминотизимнинг аҳамияти бир неча бор ортаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Маълумки, холис ва тўғри топилган ёки ишлаб чиқилган терминлар илм фаннинг тараққиётига кенг йўл очиб берса, нотўғри, ноўрин нохолис қўлланган терминлар илм фан тараққиётига тўсиқ бўлади. Шунинг учун ҳар бир давлатда, хусусан бизнинг Ўзбекистонда ҳам терминологик қўмита фаолият кўрсатади. Терминология қатор фанлар билан узвий боғланган энг аввало, лексикология билан чамбарчас боғланган, шунингдек, у сўз ясаши, морфология ва сўз бирикмалари синтаксиси билан ҳам мустаҳкам алоқада. Тилшунослик терминлари унинг стилистика, матн тилшунослиги, илмий техникавий таржима назарияси ва амалиёти билан ҳам боғлайди. Терминология терминография билан жуда яқин алоқада туради. Чунки махсус луғатлар тузиш терминография соҳаси ҳисобланади. Бизнингча, терминология билан терминография орасига қатъий чегара қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки терминшунослар ўрганаётган кўплаб муаммолар бевосита соҳавий луғатлар яратиш амалиёти натижаси ўлароқ юзага келган. Бу муаммолар ечими ўз навбатида луғат тузиш метод ва йўналишларга ижобий таъсир қилади.

Соҳавий лексика илм - фаннинг турли соҳаларига доир тушунчаларни номлашга хизмат қилиши боис, терминлар маъносини аниқлашда тегишли тушунчалар маъносини чуқурроқ англаш лозим бўлади.

Терминларнинг тушунчаларни ҳосил қилиш, сақлаш ва узатиши, унинг тарихининг илмий тушунчалар тарихи тараққиёти билан узвий боғланганлигини терминологиянинг гносеология (билиш назарияси), фан ва техника тарихи билан яқинлаштиради.

Ушбу ўринда эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир нарса, белги назариясидир. Гап шундаки, белги деганда ҳар қандай имо – ишора ҳам табиат ҳодисалари билан боғлиқ ҳолатлар (масалан, осмонда қора булутнинг пайдо бўлиши, ёмғир келиши белгиси эканлиги каби) тушунилади. Эҳтимол, бу тўғридир. Бироқ табиатда ва ҳаётда учрайдиган белгилар билан лисоний белгини адаштирмаслик керак.

Кўринадики, ҳозиргача асосий белги деб келинган сўз, фақат гап таркибидагина белги мақомини олади. Ва у В. Г. Гак томонидан ярим белги сифатида таърифланади. Шунга кўра, белги деганда бир сўзни эмас, балки гапни тушуниш керак. Чунки фақат

гапгина бошқа ҳар қандай белги (масалан, йўл ҳаракати белгилари) каби нисбатан тугал фикрни ифодалайди. Шунга кўра гапни тўлиқ белги, сўзни эса, ярим белги дея таърифланаётгани мақсадга мувофиқ.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Иванова И. П. Бурлакова В. В. Почепцов Г. Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. Москва «Высшая школа», 1981.
2. Гак В. Г. Сопоставительная лексикология, М-1977.
3. Реформатский А. А. Мысли о терминологии //Современные проблемы русской терминологии. -М. Наука, 1986. – С. 163-198.
4. Ёқубов Ж. А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланишининг ўзига хос хусусиятлари. «Фан», 2005.